

universitetlar va jamoat guruhlari o'rtasida bo'lishi kerak. Jamiyat barcha turdagi ta'limni, shu jumladan oliy ma'lumotni qo'llab-quvvatlashi kerak, chunki u iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy rivojlanishda muhim rol o'ynaydi.

Oliy ta'limni boshqarish tizimlari. Menejmentning yakuniy maqsadi ta'lim, o'qitish va tadqiqotning yuqori darajasini ta'minlash, shuningdek, jamoaga xizmat ko'rsatish orqali oliy o'quv yurtlarining institutsional missiyasini kuchaytirishdan iborat bo'lishi kerak. Ushbu maqsad samarali boshqaruv ko'nikmalariga ega bo'lgan ijtimoiy muammolarni, shu jumladan global muammolarni tushunishni birlashtirgan etakchilikni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston electron xukumat portal. Lex.uz
2. O'zbekiston Respublikasining "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida" № 463-I 1997.08.29.
3. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida" gi qonuni, 1997.08.29 № 464-I.
4. *Goncharov V.I.* Menejment: darslik. talabalar uchun nafaqa. ekon. maxsus universitetlar / V.I. Goncharov. Mn .: Misanta, 2003. 624 p. 45 p.
5. *Samoxval V.V* Ikki bosqichli o'qitish tizimiga o'tish sharoitida oliy ta'lim sifatini boshqarish. Minsk: BSU, 2007 . 359 p. 67 p.

Н.Ш. Исаева, илмий раҳбар З.Т. Гаубназарова
Тошкент давлат техника университети
Тошкент, Ўзбекистон,
zumrat59@rambler.ru

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИ ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ДРАЙВЕРИ

Аннотация. Ушбу мақолада таълим сифатини таъминлашнинг устувор масалаларини ҳал этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, жамоа-касбий аккредитацияни яратиш ҳамда вазифани ҳал этиш учун ОЎЮларида мутахассислар тайёрлашда, корхоналарга эса кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришда ёрдам берувчи ижтимоий ҳамкорлик, ҳуқуқий норма ва шартномаларнинг янги шакллари яратувчи имкониятлар таклиф этилган.

Таянч сўзлар: инсон капитали, таълим, инновация, интеграция, ишлаб чиқариш, меҳнат бозори, сифат кафолати, академик ҳаракатчанлик, аккредитация.

Рақобатбардош иқтисодий қуришдаги муҳим муаммолардан бири бўлиб фуқароларнинг маънавий-ахлоқий, умумтаълим ва касбий даражаси-инсон ресурсларининг сифати ҳисобланади, чунки ҳозирги вақтдаги рақобат курашида илғорлик мамлакатнинг географик ҳажмига эмас, балки табиий ресурсларининг миқдори ва инсон капиталининг ривожланганлигига боғлиқ.

Таълим тизимини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу устуворлик сифатни такомиллаштириш ва таълим мазмуни ҳамда ўқув дастурларининг мослиги, педагоглар меҳнатини рағбатлантиришда ўз аксини топмоқда [1].

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш жараёнини модернизациялаш ва келгусида кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишни давом эттириш билан тавсифланади. Бунда тўпланган тажрибалар таҳлил қилинади ва умумлаштирилади, аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва меҳнат

бозорининг ривожланиши ҳисобга олинади. Олий таълим тизимини ислоҳ қилишни таъминлайдиган зарурий ҳуқуқий, малакавий, илмий-услубий, моддий-техникавий ва молиявий шароитлар яратилади. Олий таълим таркибини модернизациялаш ва тизимли ислоҳ қилиш давом этмоқда [2].

Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, олий таълим, аввало, ижтимоий эҳтиёжлар воситаси ҳисобланади. Бугунги кун ёшларининг асосий йўналтирилганлиги ўз ҳаётий мақомини белгилаш ҳисобланади, шунинг учун уларнинг онгида замонавий олий таълимнинг ижтимоий вазифаси устуворлик қилади.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган давлат сиёсати “таълим-фан-ишлаб чиқариш” занжирида асосий ўринни эгаллайдиган таълим тизими, аввало, олий таълим доирасида иқтисодиётни ривожлантиришнинг ташкилий мазмунини белгилайди ҳамда таъминлайди. Таълим, фан, ишлаб чиқариш интеграцияси муаммоларини ҳал қилишнинг энг самарали қарорларини танлаш учун анъаналар, интеграциянинг шаклланган механизмлари ва эришилган натижаларини ҳисобга олиш зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, меҳнат бозори билан таълим тизими фаолиятида мувофиқлик мавжуд эмаслигининг асосий сабаби бўлиб, олий таълим аввалгидек фундаментал билимларга таянганлиги, меҳнат бозори эса битирувчилардан, биринчи навбатда, уларнинг амалий тажрибаларга таянган малакали мутахассис бўлишларини талаб этмоқда [3].

Бугунги кунда билимлари юқори, аммо суст амалий тажриба ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни қайта тайёрлашдан четлашиш учун барча даражадаги таълим муассасаларининг меҳнат бозори талабларига максимал яқинлашуви зарурияти вужудга келмоқда. Кадрларни тайёрлашда меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизми, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришга асосланган стратегиянинг йўқлиги мутахассисларни тайёрлашдаги давлат тизимини шакллантиришнинг секинлашувига ва уни бозор шароитларига мослашишига имкон бермаслиги мумкин. Олий касбий таълим муассасалари иш берувчилар билан мустақкам алоқада бўлиши, уларни касбий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, таълим муассасалари васийлик кенгашлари фаолиятида қатнашиш ва кадрларни корпоратив тайёрлаш тизимини шакллантиришга жалб қилиш керак.

Таълим сифатини ошириш замонавий ўқитиш дастурларини иммитация қила оладиган янги таълим технологияларини жорий қилиш, ўқитишнинг интерфаол шакллари ривожлантириш, лойиҳавий усуллардан ва воситалардан кенг фойдаланиш йўли билан таъминланиши мумкин.

Саноат соҳалари учун малакали муҳандис кадрларни тайёрлаш, биринчи навбатда, меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнларини сифатига боғлиқ. Бу аввало касбий таълим тизими талабларининг иш берувчилар эҳтиёжларига мослиги билан белгиланади.

Ҳозирги кунда жамоат ва ишлаб чиқариш ташкилотларини таълим сифатининг зарур даражасини таъминловчи таълим фаолиятини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларига жалб қилиш масаласи бошланғич босқичда турибди. Унинг негизида таълим сифатини баҳолашнинг мустақил шакллари ва инновацион таълим фаолиятининг энг яхши намуналарини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва тарқатиш механизмларини ривожлантириш лозим.

Таълим сифатини таъминлашнинг устувор масалаларини ҳал этиш қуйидаги йўналишлар бўйича тадбирларни амалга ошириш орқали эришилади:

таълимнинг замонавий тизимини ривожлантириш мақсадида таълим дастурларининг аттестацияси, давлат аккредитацияси, лицензия олиш, ахборот ва услубий таъминоти масалаларини ўз ичига олган омилларни ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртлари таълим дастурларини мустақил жамоавий-касбий баҳолашни амалга ошириш;

таълим муассалари фаолиятини баҳолашнинг очиқлиги, хаққонийлиги ва ҳолислигини таъминлаш учун таълим дастурларини бажариш бўйича олий ўқув юртлари фаолияти сифатини баҳолаш, назорат қилишнинг янги шакл ва механизмларини ривожлантириш;

ўқитувчилар ва талабаларнинг академик тайёргарлигини ошириш таълим хизматлари соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш учун таълим тўғрисидаги хужжатларнинг эквивалентлигини тан олиш механизмларини такомиллаштириш бўлиб, бу Ўзбекистон таълим тизимининг жаҳон таълим тизимига интеграциялашиш жараёнига ёрдам беради;

касбий таълимнинг рақобатбардошлигини ошириш, жамоат ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, иш берувчилар иштирокида ишлаб чиқилган янги авлод таълим стандартлари бўйича кадрлар тайёрлаш тажрибасига ОЎЮлари, шунингдек жамоавий-касбий аккредитация йўналишидаги таълим дастурлари экспертизасидан ўтган етакчи ОЎЮлари ва малакали кадрлар тайёрловчи муассасаларга саноат корхоналарининг малакали мутахассисларини тўғридан-тўғри жалб этиш;

нафақат давлатнинг ички жамоавий-иқтисодий эҳтиёжлари, балки Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган механизмларини яратиш;

меҳнат бозори талабларига мос келувчи маълум соҳа бўйича тайёргарлик сифати юқори даражада бўлган олий ўқув юртларини аниқлаш имконини берувчи мутахассислар тайёрлашнинг жамоавий-касбий аккредитациялаш тизимини яратиш.

Жамоа-касбий аккредитация қўйидагиларга имконият беради: Ўзбекистонда ўқув, илмий ва технолгик йўналишлар бўйича барча таълим ва фаолиятни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга; ишланмалар, тадқиқотлар, маслаҳатлар, технологиялар трансфери, таълим жараёни сифатини оширишга; таълим хизматларининг кенг қўламини амалга оширишга, ишлаб чиқариш, жамоат, фан билан алоқаларни ўрнатишга; илмий-техник ва инновацион ривожланиш бўйича олий маълумотли жамиятнинг ижодий салоҳиятини янада самарали намоён қилиш учун шароитлар яратиш; таълим соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш; таълим бўйича мутахассислар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, олимларнинг халқаро илмий-таълим ҳудудига қўшилишига кўмаклашиш; таълим хизматларининг халқаро бозорида рақобатбардош давлатлар рейтингда таълим тизимини ривожлантириш.

Жамоавий-касбий аккредитациялаш жараёнлари ҳар бир йўналишнинг хусусиятини эътиборга олган ҳолда бир хил шаклга келтирилиш ва меҳнат бозорига йўналтирилган бўлиши, ижтимоий маъсулиятни шакллантириш ва шахсни тарбиялаш таълимининг универсаллиги ва фундаменталлигига асосланиб касбий тайёргарликни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Таълим тизими меҳнат бозорига йўналтирилиш меҳнат бозори талаблари тизимидан илгарилаши фан ва техника-технологиялар ривожининг замонавий даражасида бўлиши лозим.

Олий ўқув юртлари битирувчиларининг асосий истеъмолчилари турли корхоналар, муассасалар бўлиб, улар битирувчилардан жамият ва иқтисодиётнинг инновацион модели ривожланишининг талабларига мос келувчи касбий лаёқат мажмуига эга бўлишларини хоҳлайдилар.

Олий касбий таълим-бу очиқ тизим бўлиб, унда ОЎЮлари ва иш берувчилар бир тизимнинг бўғинлари ҳисобланадилар. Иш берувчилар малакали мутахассислар тайёрлаш сифати ва миқдорига бўлган талабларни шакллантиришлари, ОЎЮлари эса бу талабларни бажаришлари керак.

Ҳозирги кунда иш берувчилар томонидан битирувчиларнинг махсус тайёргарлигининг паст даражаси ва тор профессионал доирага эгаликлари таъкидланмоқда.

Бунда ОЎЮларига қўйилаётган асосий даъво - битирувчиларнинг амалиёт ва билимлар билан боғланмаганлиги, замонавий , инновацион юқори технологиялар

билан ишлай олмаслигидир. Буларни бартараф этиш учун ишлаб чиқариш амалиёти мазмунини чуқурлаштириш, корхона мутахассисларини машғулотларни ўтказишга жалб этиш, фанларни реал ҳаётга мослаштириш лозим. Иш берувчиларнинг фикрича, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун маълум шароитларда амалиётни ташкил қилиш зарур.

Мутахассисларни сифатли тайёрлаш муаммоси ОЎЮларининг иш берувчилар билан самарали ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ. Иш берувчиларнинг малакали кадрлар тайёрлашдаги иштироки иш берувчилар талабларига жавоб берувчи лаёқатли битирувчилар тайёрлашнинг асосий шarti ҳисобланади.

Бу вазифани ҳал этиш учун ОЎЮларида мутахассислар тайёрлашда, корхоналарга эса кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришда ёрдам берувчи ижтимоий ҳамкорлик, ҳуқуқий норма ва шартномаларнинг янги шакллари талаб этилади.

ОЎЮ вакиллари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўналишларининг энг кўп тарқалган турлари қуйидагилар: талабаларни маълум етакчи корхоналарда амалий ўқитиш; меҳнат бозорида талабга эга бўлган ОЎЮларининг таълим хизматлари миқёсини кенгайтириш; мутахассислар тайёрлаш сифатига бўлган талабни аниқлаш; ўқув дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни тақриз қилиш; иш берувчилар вакиллари, мутахассислар, амалиётчилар томонидан ўқув машғулотлари, мастер-класслар ўтказиш; иш берувчилар битирувчиларнинг якуний давлат аттестациясида иштирок этиши; ўқитувчиларнинг маълум бир иш жойларида малака оширишлари; иш берувчиларнинг илмий-амалий анжуманлар, ўқув лойиҳалар, илмий семинар ва бошқалардаги иштироки; лойиҳавий интеграция (ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар, қўшма кичик марказлар очиш ва бошқалар); битирувчиларни иш билан таъминлаш.

ОЎЮлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги талабаларнинг таълим дастурларининг асосий таркибий қисми бўлган турли амалиётлар ўтиш жараёнида узвий боғлиқликда бўлади. Айнан амалиёт талабаларнинг касбий фаолият шароитларида касбий-амалий тайёргарлигини ташкил қилиш шаклларида бири ҳисобланади, шу билан биргаликда “бўлажак мутахассислар касбий лаёқатининг юқори даражасини самарали шакллантирувчи етакчи олим” сифатида намоён бўлади.

Тегишли давлат стандартларида кўзда тутилган ўқув, ишлаб чиқариш ва бошқа амалиётлар дастурлари талабаларнинг, энг аввало, назарий, касбий-амалий ва илмий-тадқиқот интеграциялашуви орқали уларнинг профессионал ривожланишини узлуксиз оширишга йўналтирилиши лозим [4]. Бироқ, кўпгина ОЎЮлари тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда амалиётларни ташкил қилиш даражаси талабаларнинг маълум иш тажрибасига, касбий-амалий билим, ишлаб чиқариш кўникмалари ва илғор меҳнат усуллари эгаллашлари учун етарли эмас. Бунинг сабаби-миллий ва ҳудудий инновацион таълим ривожини йўналишида ўзаро қулай ҳамкорлиги эмас, балки ОЎЮларининг иш берувчилар билан шунчаки расмий алоқаларидир.

ОЎЮлари ва иш берувчилар талабаларнинг касбий лаёқатини шакллантириш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштириш тизимини яратишга манфаатдор бўлишлари лозим. Бироқ иш берувчилар таълим дастурларининг таркибий қисмлари билан боғлиқ қулайлик бўйича ОЎЮлари билан алоқаларни боғлашга тайёр бўлсаларда, олий ўқув юртларининг ўзидан ҳамкорлик шакллари бўйича маълум таклифларни кутадилар. Бу ҳолат ОЎЮларининг иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорлигини амалга оширишда йўналишлар (мутахассисликлар) бўйича амалиётнинг маълум турларини ташкил қилиш ва ўқув-услугий бошқаришни амалга олиширувчи мутахассис тайёрловчи кафедраларнинг ролини кескин оширади. Айнан улар ОЎЮ таълим хизматларининг ташқи истеъмолчилари билан ижтимоий алоқа катализаторига айланиб, ҳамкорлик алоқаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминлайди [5].

Иш берувчи корхоналар билан ОЎЮларининг мутахассис тайёрловчи кафедраларнинг ўзаро алоқаси самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва тегишли шартномаларни тузиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат бозори талабларига жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ОЎЮлари ва иш берувчилар олдида турган асосий вазифаларга қуйидагилар киради:

маълум дастурлар доирасида ўзлаштириладиган кўникма ва амалиёт мазмунининг боғлиқлиги; амалиёт даврида иш жойларида талабалар томонидан бажариладиган касбий фаолият турлари бўйича кўрсатилган кўникма лаёқатларнинг мувофиқлигини белгилаш;

амалиёт даврида талабалар томонидан эгалланадиган ёки ривожлантириладиган касбий кўникмалар рўйхатини тузиш. Таълим дастурини ўзгартиришда лаёқатларнинг ОЎЮлари ҳамкорликлари иш берувчилар талаб қилаётган лаёқатларга максимал даражада яқинлаштириш;

ОЎЮлари томонидан таълим дастурини такомиллаштириш ва уларга қўшимчалар киритиш мақсадида касбий кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси ОЎЮга таълим дастурлари самарадорлигини ошириш тўғрисида иш берувчилар билан қайта алоқа ўрнатиш;

талабаларнинг амалий фаолият даврида етарли тажриба орттириш ва мутахассислик бўйича кафолатли ишга жойлаштиришга ёрдам берувчи ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг янги шакллари излаб топиш (масалан бутун ўқув йили давомида назарий билимларнинг алмашинуви, амалиётчиларни меҳнат ҳаққи тўлаш орқали ишга жалб қилиш, курс ишлари ва диплом лойиҳаларини бажариш бўйича буюртмалар ва бошқалар).

талабаларнинг тадқиқот фаолияти ва ижодий фаолиятини рағбатлантириш, талабалар учун шахсий карьерасини қуриш технологияларини муваффақиятли эгаллаш учун ўз касби бўйича баҳолаш, текшириш учун вазиятлар яратиш ва бошқалар.

Бизнингча, ОЎЮлари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари олий касбий таълим сифатини ошириш, таълим дастурларига киритилган лаёқат ва кўникмаларни шакллантириш учун қўшимча шароитларни яратиш, талабаларнинг амалий билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш амалий восита ҳисобланади, бироқ улар кооперацион жараёнларга интеграцион жараёнлар қўйилгандагина ҳамкорлик субъектларига фойда келтиради.

Шуни эътироф этиш керакки, малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда ОЎЮлари ўзларининг иш берувчи стратегик ҳамкорларини таълим хизматларининг пассив истеъмолчилари, ташқи кузатувчиларидан замонавий меҳнат бозори талабларига мос касбий малакалар мажмуасининг талабалар томонидан эгалланишига ёрдам берувчи таълим ва инновацион жараёнларнинг манфаатдор иштирокчиларига айлантирилганда ОЎЮлари ва иш берувчилар ҳамкорлигининг самараси ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» Қонуни. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами. Т.: Шарқ, 2001. Т.1. Б. 3-8.
2. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами. Т.: Шарқ, 2001.Т.1. Б. 9-23.
3. *Андреева Е.Н.* Формирование рынка образовательных услуг и его регулирование. // Сборник научных трудов. Выпуск 5. М.: МГУ, 2006. С. 204.
4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О государственных образовательных стандартах». Ташкент, 16.08.2001, № 343
5. *Васильев Ю.С., Глухов В.В., Феодоров М.П.* Экономика и организация управления вузом. СПб.: Гордеян, 2001. С. 544.

6. Гаибназарова З.Т. Развитие человеческого капитала для расширения возможностей трудоустройства в Узбекистане // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2016. № 4 (24). С. 57-63.

7. Гаибназарова З.Т. Совершенствование системы высшего образования - основной фактор формирования человеческого капитала // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2017. № 3 (27). С. 72-78.

8. Гаибназарова З.Т. Управление персоналом и инновациями в Узбекистане: проблемы трансфера технологий // Научно-практический журнал Социально-трудовые исследования. 2018. №4 (33). С. 113-119.

9. Гаибназарова З.Т. Повышение качества образования в вузах Узбекистана: опыт Ташкентского государственного технического университета // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2018. № 3 (31). С. 90-98.

Д.М. Бойдадаев, Ф.А. Исмоилова, илмий рахбари Р.И.Эгамбердиев
Узбекистан
feruzagmba@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАМКОРЛИГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МИСОЛИДА

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида Олий Таълим муносабатларига эътибор ва бу иттифоқнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида аҳамияти тасниф этилган. Бундан ташқари, Олий Таълим муассасалари ушбу икки давлат мисолида қиёсий ўрганилиб таҳлил этилган ва иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил сифатида қўшма ҳамкорликдаги Олий даргоҳлар ташкил этилишининг самараси борасида айрим қиёсий мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасалари, иқтисодий ўсиш, қўшма ҳамкорлик, ялпи ички маҳсулот, филиал, Меморандум

Аннотация. Эта статья посвящена отношениям между высшим образованием в Узбекистане и Южной Корее и подчеркивает важность этого союза в экономическом развитии нашей страны. Кроме того, высшие учебные заведения были сравнительно изучены в этих двух странах, и были сделаны некоторые сравнительные замечания по поводу эффективности совместного высшего образования как фактора, способствующего экономическому росту.

Ключевые слова: высшие учебные заведения, экономический рост, сотрудничество, валовой внутренний продукт, отрасль, меморандум.

Сўнги йилларда юртимизда рўй бераётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар, аниқроғи ривожланишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари натижаси экани барчага маълум. Жумладан таълим тизимидаги бир қатор ислохотлар, хусусан Олий Таълим тизимида рўй бераётган кескин бурилишлар кўпчилик фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг узоқ йиллик орзуларини рўёбга чиқишига сабаб бўлмоқда. Президентимизнинг бир қатор хорижий олий таълим муассасалари билан мустақкам ҳамкорликни йўлга қўяётгани ҳамда юртимизда уларнинг филиаллари очилишига имконият яратилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Маълумки, бундан 10-15 йиллар аввал чет элга бориб бакалавр ёки